

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲҚAMASINING  
ҚАРОРИ**163** **Корея Республикаси Ҳукуматининг грантини жалб  
этган ҳолда Шаҳрисабз шаҳрида Касб-хунарга  
ўқитиш марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ишсизларни ва вақтинча банд бўлмаган аҳолини, шу жумладан таълим муассасалари битирувчиларини касб-хунарга қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

## 1. Қуйидагилар:

грант ёрдами ажратиш тўғрисида 2014 йил 5 августдаги Ҳадли битимга мувофиқ Корея Республикаси Ҳукумати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати «Шаҳрисабз шаҳрида касб-хунарга ўқитиш марказини ташкил этиш ва Ўзбекистонда касбга ўқитиш салоҳиятини ошириш бўйича консалтинг лойиҳаси (кейинги ўринларда лойиҳа деб аталади) учун 8,5 млн АҚШ доллари миқдорига грант (кейинги ўринларда грант деб аталади) бериши;

лойиҳа доирасида Шаҳрисабз шаҳрида 60 ўринли ётоқхонаси билан қуввати 240 ўқувчи ўрнига тенг бўлган Касб-хунарга ўқитиш маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади), ташкил этилиши назарда тутилганлиги;

Марказни (кейинги ўринларда объект деб аталади) ташкил этиш учун Шаҳрисабз шаҳридаги собиқ «Хужум» фабрикасининг маъмурий ва ишлаб чиқариш бинолари ажратилганлиги, қурилиш учун ер участкасини тайёрлаш таъминланганлиги ва лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилганлиги;

грант маблағлари ҳисобига четдан олиб келинадиган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиб олиннадиган товарлар, шу жумладан автотранспорт воситалари, ишлар (хизматлар)нинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари), шунингдек қўшилган қиймат солиғидан озод қилиниши;

лойиҳани амалга ошириш доирасида Корея халқаро ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистондаги офиси (кейинги ўринларда КОИСАнинг Ўзбекистондаги офиси деб аталади) объект қурилишининг буюртмачиси ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, Марказ давлат таълим муассасаси ҳисобланади ва бевосита Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигига бўйсунди, умумий ўқув-методик раҳбарлик эса Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказига юкланади.

## 3. Қуйидагилар:

Марказнинг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Марказда касб-хунарга қайта тайёрланганлиги ва малака оширганлиги тўғрисидаги дипломнинг ва қисқа муддатли курслардан ўтганлиги тўғриси-

даги сертификатнинг давлат намуналари 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қўйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ишсизларни ва вақтинча банд бўлмаган аҳолини, шу жумладан касб-хунар коллежларини ва академик лицейларни битирган доимий ишга эга бўлмаган шахсларни ўқитиш муддати 1 йилдан ортиқ бўлмаган муддатда қўйидаги йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича бепул касб-хунарга қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш: металлга ишлов бериш ва чилангарлик (пайвандловчилар, чилангарлар ва металлга ишлов бериш мутахассислари), электр ва электроника (электрон ва маиший техникани, радио ва телеаппаратураларни таъмирлаш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш мутахассислари), ахборот технологиялари (ҳисоблаш машиналари операторлари, компьютерлар ва бошқа ташкилий техникага хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш), йиғирув ишлаб чиқариши технологияси (йиғирув-тўқув ускунаси оператори ва бошқалар) ва тикув жараёни технологиялари (кенг асортиментдаги тайёр кийимлар конструкторлари, тикув ускунаси операторлари ва бошқалар);

меҳнат органларида ишсиз сифатида рўйхатдан ўтмаган, иш излаётган шахсларни, шунингдек иш берувчиларнинг буюртманомалари бўйича — ходимларни, ҳар йили ўқитиладиганлар сонининг 15 фоизидан ортиқ бўлмаган ҳажмда, Ўзбекистон меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга тўлов асосида қисқа муддатли ўқитишни ташкил этиш.

5. Белгилансинки, Марказнинг таъминоти, ишсизларни ва вақтинча банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек импорт қилинадиган ўқув-лаборатория асбоб-ускуналарини ва моддий ресурсларни ва автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сақлаш, расмийлаштириш ва ташиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг Қашқадарё вилояти Меҳнат бош бошқармаси тасарруфидаги маблағлари ҳисобига қопланади.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Марказнинг раҳбарлари, ўқитувчилари, усталари ва бошқа ходимларига касб-хунар коллежларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган базавий тариф ставкалари татбиқ этилади;

белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилган ўқувчиларга бевосита Марказда бепул ўқиган даврида Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасида ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар ҳисобига қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида, бироқ 6 ойдан кўп бўлмаган муддатга стипендия тўланади;

ташкilotлар ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташ даврида уларга ишлаб чиқариш амалиёти дастурларига мувофиқ уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлайдиган ҳақ тўланадиган иш жойлари тақдим этиш ҳуқуқига эга.

7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг:

Марказнинг ўқитувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг лавозим маошларига аниқ миқдори Марказ раҳбарияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланадиган Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг Қашқадарё вилояти Меҳнат бош бошқармаси тасарруфидаги маблағларидан 40 фоизгача миқдорда доимий устама белгилаш тўғрисидаги;

пулли қисқа муддатли курслар ташкил этишдан ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан тушадиган маблағлар ҳисобига шакллантириладиган Марказни моддий-техник ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш жамғармасини (кейинги ўринларда Марказни ривожлантириш жамғармаси деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги белгиланган тартибда: Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан келишган ҳолда Марказ уставини ҳамда Марказ ишида қўлланадиган зарур ўқув-методик дастурлар ва материаллар;

Марказни ривожлантириш жамғармасига йўналтириладиган фойда нормативини белгилашни ҳисобга олган ҳолда, қисқа муддатли ўқитиш бўйича пулли хизматларнинг қийматини шакллантириш методикасини аниқлашни назарда тутувчи Марказни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисидаги низомни;

ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими таълим муассасаларининг белгиланган педагогик ва ўқув-ишлаб чиқариш юкламаларидан келиб чиққан ҳолда Марказнинг штат жадвалини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига грантга ҳисоб-китоб хизмати кўрсатиш юклансин.

10. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги:

«Ўзбекэнерго» АЖ билан биргаликда Марказ қурилиши учун ажратилган майдонда жойлашган эски электр трансформаторини қуввати камида 1000 кВА бўлган янгисига алмаштирилишини ҳамда қуввати айнан шундай бўлган захира трансформатори ўрнатилишини;

объектга туташ ҳудудни ободонлаштиришни (асфальтлаш, пиёдалар учун йўлаклар ташкил этиш, кўкаламзорлаштириш ва бошқалар), шунингдек коммуникация тармоқлари ўтказилишини (электр, иситиш тизими, ичимлик сув, канализация, телефон алоқаси ва бошқалар) таъминласин.

11. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ лойиҳа доирасида Марказнинг қурилиши ва жиҳозланиши учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига четдан олиб келинадиган товарларни темир йўл станцияларида сақлаш ва юклаш-тушириш ишларининг тўлов ундирилмасдан бажарилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Меҳнат вазирлигининг буюртманомалари бўйича лойиҳани амалга оширишда қатнашадиган хорижий мутахассисларга белгиланган тартибда кўп марталик кириш

визалари берилишини консуллик ва бошқа йиғимлар ундирмасдан таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Меҳнат вазирлигининг буюртманомалари бўйича лойиҳани амалга оширишда қатнашадиган хорижий мутахассисларга белгиланган тартибда кўп марталик кириш визалари берилишини ва уларнинг муддати узайтирилишини, шунингдек уларнинг вақтинчалик яшаш жойларида вақтинча пропискага қўйилишини ва вақтинча прописка муддати узайтирилишини давлат божлари ундирмасдан таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги Ўзбекистон Республикасига лойиҳани амалга оширишда иштирок этаётган юқори малакали хорижий мутахассисларни (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасида бундай мутахассислар бўлмаган тақдирда) жалб этишга рухсатномалар берилишини (муддати узайтирилишини), шунингдек кўрсатиб ўтилган хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) белгиланган тартибда таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.


**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 14 март,  
135-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 14 мартдаги 135-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### Шаҳрисабз касб-ҳунарга ўқитиш марказининг ТУЗИЛМАСИ



Ходимларнинг умумий сони — 24 киши, улардан бошқарув ходимлари — 7 киши.

\* Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони белгиланган нормативларга мувофиқ аниқланади.

**163-модда**

— 64 —

**11 (771)-сон**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 14 мартдаги 135-сон қарорига  
2-ИЛОВА

Ташқи кўриниши

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат гербининг тасвири

**ШАҲРИСАБЗ КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ МАРКАЗИ**

**ДИПЛОМ**

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

11 (771)-сон

— 65 —

163-модда

Ички кўриниши

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат гербининг тасвири

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ШАҲРИСАБЗ КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ МАРКАЗИ**

**ДИПЛОМ**

**КНМ № 000000**

---

(фамилияси, исми, отасининг исми)

20\_\_ йилда \_\_\_\_\_ мутахассислиги бўйича тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тўлиқ курсини тамомлади.

Марказ аттестация комиссиясининг 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги № \_\_\_\_\_ қарори билан \_\_\_\_\_га  
(фамилияси, исми, отасининг исми)

\_\_\_\_\_ мутахассислиги берилди.

*М.Ў.*

*Аттестация комиссиясининг раиси*

*Директор*

*Шаҳрисабз шаҳри, 20\_\_ йил*

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

**ШАҲРИСАБЗ КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ МАРКАЗИ****КНМ № \_\_\_\_\_ ДИПЛОМГА ИЛОВА**

(дипломсиз хақиқий эмас)

(фамилияси, исми, отасининг исми)

20\_\_ йил — 20\_\_ йиллар даврида Шаҳрисабз Касб-ҳунарга ўқитиш марказида \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ мутахассислиги бўйича ўқиди.

Ўқиш жараёнида қуйидаги фанларни ўқиди ва қуйидаги баҳоларни олди:

Т/р	Фанлар номи	Ўқув режаси бўйича белгиланган соатлар сони	Олинган рейтинг балли
<b>I. УМУМИЙ ФАНЛАР</b>			
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			
6.			
7.			
8.			
9.			
10.			
<b>II. МАХСУС ФАНЛАР</b>			
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			
6.			
7.			
8.			
9.			
10.			
<b>III. ЯКУНИЙ АТТЕСТАЦИЯ</b>			
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			
6.			

Директор

Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*



**11 (771)-сон**

**— 67 —**

**163-модда**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 14 мартдаги 135-сон қарорига  
3-ИЛОВА

Ташқи кўриниши

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат гербининг тасвири

**ШАҲРИСАБЗ КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ МАРКАЗИ**

**СЕРТИФИКАТ**

Ички кўриниши

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат гербининг тасвири

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ШАҲРИСАБЗ КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ МАРКАЗИ**

**СЕРТИФИКАТ**

**КНМ № 000000**

---

(фамилияси, исми, отасининг исми)

20\_\_ йилда \_\_\_\_\_ мутахассислиги  
бўйича \_\_\_\_\_  
(қиска муддатли ўқиш)

\_\_\_\_\_ курсини тамомлади.

*М.Ў. Директор*

*Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари*

*Шаҳрисабз шаҳри, 20\_\_ йил*

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*